

Инсон тийнатидаги хилма-хиллик, карама-карши кутбларнинг бир нуктада намоён бўлиши: эзгулик ва ёвузлик, меҳр ва кахр, мухаббат ва нафрат, садокат ва соткинлик, ростгўйлик ва ёлгончилик, катъият ва бўшанглик, мардлик ва мунофиқликнинг битта характерда мужассам эканлиги, бу хислат ва иллатларнинг навбатма-навбат турли ҳолат ҳамда вазиятларда юзага чиқиши, назаримда, жамики маънавий ходисаларни – тушкунлик ва кўтаринкилик, кувонч ва гамни пайдо қилади, натижада буларнинг давоми сифатида жамиятнинг полифоник кайфиятини акс эттирувчи монофоник ва муттасил давом этувчи жараённи шакллантиради.

Бу – мураккаб вазият. Тушуниш ва англаш, таҳлил ва талкинлар беҳад кўплиги, уларнинг ранг-баранглиги шу вазият мевасидир. Ёки аксинча.

Ана шу ҳолатда кайсидир ҳақиқатлар ҳақида холис фикр юритгинг, англаганингни дўстона оҳангда баён қилгинг келаркан. Мен сўз очишга чоғланаётган мавзу аклимни таниганимдан бери гимирлаб, тинчлик бермайди. Шунинг дастидан кечалари кўздан уйку қочади, калб кийналади – буларнинг бари алал-окибат ёзиш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Мен нега буни айтяпман? Чунки ўзимнинг даражамни, масъулият ва бурчимни айни пайтда кайси нуктада эканини англайман, бундай мавзуни кўтариш ёш елкамга, хом аклимга огирлик қилар, лекин эҳтиёж пайдо бўлгач, қўлга қалам олдим.

Аслини олганда, бу мавзу янги эмас. Инсон яралгандан буён шу мавзу, менимча, унинг ўй-хаёлида чарх уриб келган бўлса керак.

Кириш сўзи унчалик чўзилиб кетмасин, гапнинг индаллосига ўтайлик, дарвоқе, ундан олдин яна бир гап: бу битикларим ортида ҳеч нарсага, ҳеч қимга, ҳеч қандай юкори даражага, қомилликка даъво қилмоқчи эмасман. Шунчаки мулоҳазалар сифатида самимий қабул қилинг, бу ҳаммамиз учун эркин ва холис фикр майдонини яратиш беради.

Ижод деганда ўхшаши топилмайдиган, юксак дид билан яратилган, ижобий хусусиятларга эга бўлган, ҳоҳ маънавий, ҳоҳ моддий шаклга эга бўлган ишни тушунамиз. Ижод учун Худо берган иккита кўзнинг ўзи қамлик қилиши бор гап. Агар шу иккита кўзнинг ўзи ижод учун етарли бўлганда эди, айиқлар ҳам шеър ёзиб, маймунлар рассомлик қилишлари мумкин. Лекин бундай эмас.

Балки гап кўзда ҳам эмасдир. Ижоднинг сири кўз билан ўлчанганда чигиртканинг олдига тушадигани бўлмас эди, сабаби унинг кўзлари жуда кўп.

Гап моддий шаклга эга бўлмаган, онгли тарзда қабул қилиш қийин бўлган маънавий

нигоҳ хакида кетяпти. Айнан унинг ноёблиги ва камдан кам инсонларга насиб этганлиги учун пайгамбарлар ҳам танлаб олинган, валийликка ҳамма ҳам етавермаган; колаверса, Румий ва Навоий, Гёте ёки Толстойлар хар куни тугилавермаган.

Шу нуктаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ижоднинг киймати янада ойдинлашади, унинг мохияти аниқроқ намоён бўлади.

Ижод факат ёзувчи-шоирлик ёки рассомлик, кўшиқчилик, бастакорлик билан чекланиб қолмайди. Илм ҳам ижод саналади. Чунки хар кандай хакикат илм ақл ва туйғу уйғунлашган нуктада кашф этилади. Демак, биз юкорида санаганларимиз сафига олимларни ҳам кирита оламиз. Мабодо кимдодир мавке жихатдан уларнинг кайси бирини устун кўйиш керак деган савол пайдо бўлса, бу битта саволга иккита жавоб борлигини маълум қиламиз. Биринчи жавоб: кайси бири Ватанига, халкига, инсониятга кўпроқ фойда етказса, шуниси устун. Иккинчи асосий жавобни сўзимиз сўнггида айтамыз.

Ижод осон ва содда жараён эмас. Асл ижодий иш истеъдод ва меҳнатни талаб қилади. Яхши олим бўлиш учун бутун бошли кутубхонани ўқиш шарт эмас, мохиятни англаувчи маълумотларни олиб, асосли илмий хулосалар қилиш мумкин деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Уларга қарши эмасмиз, эҳтимол мана шундай йўл билан ҳам илм қилиш, ижод қилиш мумкин, бу ҳам истеъдод даражаси, маънавий нигоҳнинг сезгирлиги билан боглик бўлса керак.

Яхши кўшиқ учун соз овоз ва мусикани илгаш қобилияти зарур; яхши бадиий асар учун Сўзлар жилосини ҳис этиш, улар тафтини сезиш шарт; яхши рассомлик сири ранглар оҳангини топиш ва уларни ўз ўрнида ишлата билишда; илм йўлидагилардан эса фактларни топиб, уларни қиёслаб, мустақил равишда илмий хулосалар чиқара олиш талаб қилинади.

Моцарт, Бетховен, Бахда товушни илғайдиган илохий қобилият бор эди; Андре Бочаллида сеҳрли товуш ва оҳангларни бўйсундириш тилсими мужассам; Навоий Сўз газнасини Қалбига жойлаб қўйган эди; Бехзод ва Рафаэл Санти рангларни нафакат қалб, балки бутун вужуд ила тушунган бўлишлари керак; Хоразмий, Беруний, Нютон, Паскал, Менделеев сафидагилар ҳаётда мавжуд реал ходисаларни ақл билан англаб, туйғу билан сезиб, асосли хулосалар қилганлари учун ҳам бири математика отаси, бири уммон ортини кўра олган, бири бутун олам қудратини кашф этган, бири дунёдаги жамики элементлар ўрнини топиб чиқа олди.

Мана шулар ижоднинг бемисл қудратига ёркин далиллар. Холбуки, бундай далиллар тарихдан истаганча топилади. Буюк шахслар таржимаи ҳолида кўпинча уларнинг фавқуллодда истеъдоди ҳамда меҳнатқаш бўлганлари зикр этилади. Биз меҳнатқашликка бекор ургу бермаямиз, сабаби меҳнатсиз истеъдод сувсиз ниҳолга айланишини, меҳнат билан чинор қаби улғайишини таъқидламоқчимиз.

Қисқаси, ижоднинг мохияти ижодкор маънавий кўзининг ўткирлиги, истеъдодининг қучи, меҳнатқашлиги самараси билан очилиб боришини, бу эса юкори кадр ва ҳурматга

муносиб эканини айтмоқчимиз.

Мана энди гапимизнинг иккинчи қисмига келдик. Бунда ҳамма дардимни тўкиб олмоқчиман. Демак, юкорида айтилганидек, истеъдод сохиби бўлган ижодкор ва унинг ижоди хурмат қилиниши шарт. Лекин мазкур қоидамизга парадокс бўлган воқелиқдан, минг афсуски, кўзимизни мажбурласак ҳам, юмиб ўтиб кетолмаймиз.

Мабодо бир ўта машхур ўгри ва каззоб мингларча одамларнинг қошида минбарга чиқиб, савлат билан, шошилмасдан, гапларини чертиб-чертиб ваъз қилса нима бўлади деб ўйлайсиз?

Бердисини айтгунча шошманг-да, ўрток, ким айтди унга биров кулок осмайди деб? Агар воиз жаноблари мана бундай десалар оломонни кўлида пора-пора бўлиб кетади:

– Ўртоқлар, азиз дўстлар! Ўгрилик қилманг, ёлгон гапирманг! Халол яшанг, пешона тери билан болангизни боқинг. Харомхўр ўгрилар ўлгандан кейин тўппа-тўгри дўзахга бориб тушади, у ерда эса оловда қоврилиб азоб тортади. Илону чаёнларга ем бўлади.

Балодай аклингиз етиб турибди, ҳеч бўлмаса бир киши ўгрининг юзига бошлаб тупириб:

– Хўв, каззоб! Эртагингни энангга айт! Сенинг қимлигингни тоза яхши биламиз, сўтак! – дейиши аниқ. Лекин ўша ўгри мана бундай деса-чи:

– Ўртоқлар, азиз дўстлар! Ўгрилик жуда зўр иш, унинг завқи бўлакча, кечаси том тешиб, девор ошиб, эшик қолиб, деразадан мушукдан қусиб қириб, ўгрилик қилиш қайфини хақиқий ўгрідан бошқа қим биларди! Ўгрилик қилинг-да, мен ўгри эмасман деб каззоблик қилинг. Одамларни ёлгонингга ишонтиришдан кўра ажойиб иш борми, ахир!

Тингловчилар воизнинг овоз оханги, сараланган сўзлари, ўзининг тутишига мафтун бўлиб, шу қуни кечасиёқ бир-бирининг томини тешиб, деворидан ошиб, эшик қолиб, деразадан мушукдай қусиб ўгриликка тушиб кетишлари ҳеч гап эмас.

Биласизми, нега? Чунки ваъз ўгриники ва у ўзи қилган ишни гапирди-да!

Ана гап қаерда!

Ижод ахлига теккан дарду бало, тузалмас қасал шуқи, улар кўп ҳолатларда ўзлари қилган ва қилаётган ишларини тарғиб қилувчи асарлар ёзмайдилар.

Мана мисол: қўшиқчи имон хақида қўшиқ айтди дейлик, у қўшиқни тугаллаб, қарсақларни эшитиб, хавонинг қарс-қурсига маст бўлиб, қуфр сўзларни айтиб, имондан чиқарадиган ишларни бажариб ўтиравериши мумкин.

Ёки шоир-ёзувчиларга мурожаат қилсак. Бир қаламқаш, дейлик, садокат хақида шеър ёзди. Энди шеърмисан шеър! Узок қишлоқда мол боқиб юрган бир ўсмир подақи йигит уни нон ўраб қелинган эски газетада ўқиб қолиб, ёдлаб юради. Лекин у ўша шоирнинг

кунига неча “севгили”сига “садокат” ва “севги” изхор килишини хаёлига келтирмайди.

Ёки бирор ёзувчи ёхуд рассом поклик хакида асар яратди дейлик, лекин ўзининг яшаш жойи ивирсиб ётгани ва у ерда эгасини думалатиб, ўзи хам думалаб колган шишаларни хам топиш мумкинлиги жуда ажабланарли эмасми!

Ёки илм ахлидан мисол. Олим жаноблари китоб титиб, меҳнат килсин, доктор бўлсин-да, кейин хам, аввал хам бировларга хасад билан машгул бўлсин! Ёшларнинг оёғидан чалишни мўлжалласа! Ишончдан гапириб ўзи ишонмаса, бошқалар меҳнатини ўзлаштириб, унвон ахтариб, идорама идора юрса бамисли гадой каби.

Ана энди ўйланг: ижод ахли шуми? Унинг мунофикона ижоди кимга керак? Шон-шухрат касали давоси учунми? Уларнинг истеъдоди мана шундай пасткашликка йўл очиб берадими? Маънавий нигоҳ кўр бўлиб колганми уларда?

Мен бу гапларим билан ҳеч кимни ерга урмоқчи эмасман. Камситмоқчи эмасман.

Шунчаки, ижодкорнинг ижоди хаёти билан мувофик келиши шарт деган коидани илгари сурмоқчиман. Ижод ахлида маънавий кўз очик бўлса, унинг умри ўзи ижоддан топган хакикатлар устида барпо бўлади, агар бу кўз кўр бўлса, бу кўздан у то ўлгунича ёш ёгилади, ижодкор шу кўзёшлар эвазига ижод килади, кўркмасдан ўзи амал килишни хаёлига келтирмайдиган гоёларни тарғиб килади, хатто ўз гапига ишонмайди.

Булардан Навоий чикадими? Румий-чи? Хоразмий-чи? Улар шунчаки ўнлаб навоийлар ва румийларни, хоразмий ва берунийларни забун киладилар.

Юкорида ким устун: кўнгил кишиси бўлган шоир, ёзувчиларми ёки олимларми деган саволга кайси бири сўз ва амалини бир нуктада жам этолса, айтган гапи ва килган иши бир-бирини рад этмаса, уларнинг кайси бири бўлмасин, шуниси эхтиромга лойик ва муносиброк деган жавобни бериш керак деб хисоблаймиз. Аслида, камина айтмоқчи бўлган бор гап хам шундангина иборат эди.

Ақром МАЛИК